

Михсиз қурилган масжид



08:45 / 24.01.2019 5298

Дунёда биронта темир михсиз барпо этилган масжидлар жуда ҳам кам топилади. Шулардан бири Қозоғистоннинг Олма ота вилояти, Жаркент шаҳрида жойлашган жомеъ масжиддир.

“Жаркент масжиди” деб ном олган ушбу мусулмонлар ибодатхонаси 1895 йилда хитойлик меъмор Хон Пик томонидан барпо этилган. Ушбу тарихий обида ўзида Хитой ва Марказий Осиё меъморчилиги санъатини ўзида мужассамлаштирган.

Намоз ўқиш хонаси 1000 кишига мўлжалланган мазкур масжиднинг умумий майдони 28x54 м, баландлиги 14.5 м, минорасининг баландлиги эса 19 м. ташкил этади. Минора 52 та устун билан ўралган. Бинонинг ташқи ва ички қисми фақат ёғоч ўймакорлиги ва буёқлар билан безатилган. Масжиднинг деворлари тахтадан ясалган бўлиб, томи

қалайдан. Ва албатта, бу иношоотнинг барпо этилишида бирорта ҳам темир мих ишлатилмаган. Масжид ҳозир ҳам энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан ҳисобланади.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

